

6 НАФАР МАҲКУМ ЎТАЛМАЙ ҚОЛГАН ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти адолатли жамиятни яратишга қаратилган десак муболаға бўлмайди. Адолатли жамиятда ҳар бир шахсга индивидуал ёндашиш талаб этилади. Бундай ёндашувни жиноят қонунчилигига ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасида назарда тутилган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти шахснинг тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги учун унга берилган имконият ҳисобланади.

Айнан ушбу институт орқали билиб-бilmай жиноятга қўл ўриб қўйган, жазони ўташ даврида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ўзига тўғри хulosса чиқарган маҳкумларни жазо муддатларини қисқартириш, уларни ўталмай қолган асосий ва қўшимча жазолардан озод этиш амалиёти қўлланилиб келинмоқда.

Шундай суд жараёнларидан бири Ёзёвон туманинаги 2-сон касб-ҳунар мактаби биносида бўлиб ўтди. Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди томонидан ташкил этилган сайёр суд мажлисида Ёзёвон туман ИИБ бошлиғининг 6 нафар маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этиш ҳақидаги тақдимномалари атрофлича ўрганилиб чиқилди. Суд жараёнида барча маҳкумлар содир этган қилмишларидан ўzlарига тўғри хulosса чиқариб олишгани, ахлоқан тузалиш йўлига ўтиб фойдали меҳнат билан шуғулланишаётгани, бундай қилмишларни бошқа такрорламасликлари ҳақида кўрсатма беришган бўлса, Ёзёвон туман ИИБ вакили маҳкумлар жазони ўташ тартиб ва қоидаларига сўзсиз амал қилиб келишгани, ўрнатилган тартиб қоидаларни ўз вақтида бажаришгани, намунали хулқи билан ажralиб туришганини таъкидлади.

Суд маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг ҳам маҳкумлар ҳақидаги фикрларини эшитиб, прокурор фикрларини тинглаб, ишдаги материалларни таҳлил қилиб, уларнинг жазони ўташ тартиби ва қоидаларига тўлиқ амал қилганликлари ҳақидаги маълумотлар асосида 6 нафар маҳкумни Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси тартибида ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Жазо муддатларидан озод этилган маҳкумлар эндиликда эркин фуқарога айланиб, оиласлари ва жамият учун фойдали меҳнатни давом эттиришлари мумкин бўлди.

Раҳматжон АРАПОВ,

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг раиси.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-09-27 08:46:40